




ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



**МЕДИАСАВОДХОНЛИК
ВА FAKE NEWS:
ҳуқуқ ва масъулият чегараси**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**МЕДИАСАВОДХОНЛИК ВА FAKE NEWS:
ҳуқуқ ва масъулият чегараси**

Тошкент 2019

МУНДАРИЖА

Кириш. Қўлланма нима учун яратилди?.....	4
Трендлар	6
Фейклар ҳақида нималарни биламиз?	7
Фейклардан кимга қандай манфаат бор?	8
Ёлғон етаклаган ҳақиқат:	
фейклар қандай пайдо бўлади?	10
Буюк ёлғонлар тарихи	14
Фейклар ва ижтимоий медиа	18
Ёлғон ва ҳақиқат чегараси:	
биз фейкларни бошқарамизми ёки улар бизни?.....	20
Фейклар ва оқибатлар	22
Фейклар ва ахборот истеъмолчилари	24
Ҳақиқат, ишонч ва журналистика:	
булар нима учун муҳим?	26
Дунё ёлғонга қарши:	
фейклар халқаро ҳамжамият муҳокамасида	29
Фейкларни фош қилиш: фактчекинг	33
Қонун fake newsга қарши:	
чеклов, масъулият ва жавобгарлик	38
Энг муҳим 5 савол	51
Хулоса	54

КИРИШ


Қўлланма нима учун яратилди?

Бугун қулоғимизга “фейк”, “fake news” иборалари тез-тез чалинмоқда. Термин сифатида улар яқин ўтмишда истеъмолга киритилган бўлса ҳам, ёлғон ахборот тарқатиш тарихи анча узоққа бориб тақалади.

Фейкларнинг авж олиши бир томондан оммавий ахборот воситаларининг профессионализмига, бошқа томондан эса ахборот истеъмолчиларининг медиасаводхонлигига боғлиқ масаладир.

Ўтган йили Стэнфорд таълим мактаби битирувчиси ўз тенгдошлари орасида бир сўров ўтказиб, натижаларини эълон қилди. Унга кўра битирувчиларнинг 80 фоизи рекламани хабардан фарқлай олмаган. Афсуски, катталар орасида ҳам медиасаводхонлик даражаси яхши эмас.

Интернет ва ижтимоий медианинг ривожланиб бориши натижасида ҳар бир ахборот истеъмолчиси айна вақтда ахборот тарқатувчи, халқ журналисти ролини ҳам бажармоқда. Инсон биргина бармоқ ҳаракати билан келиб чиқиши шубҳали хабарни минглаб одамларга етказиши мумкин. Савол туғилади: шу иши билан у ҳалокатли дезинформация занжирининг бир ҳалқасига айланиб қолмадими?



Мисол учун, 2016 йилда Pew Таълим фонди ўтказган тадқиқотларга кўра, сўровда иштирок этган вояга етган инсонларнинг тўртдан бир қисми ёлғон хабарларни тарқатишига иқдор бўлган.

Профессионал тайёргарлик кўрган журналистлар ва муҳаррирлар жамоасидан иборат ОАВ ёлғон хабарларнинг фаш этувчиси бўлиши керак. Афсуски, кўп ҳолда ОАВнинг ўзи фейклар қармоғига илинади, Интернет тармоқларида тарқалган хабарларни текширмай қайта босиб юбориш ҳоллари ҳатто обрўли нашрларда ҳам кузатилмоқда.

Бугунги кунда фейклар орқали оммавий қирғинлар ташкиллаштирилаётгани, инсонлар ёт ғояларга эргаштирилаётгани, ёлғон хабарлар билан жамоатчилик онги манипуляция қилиниб, жамият ҳаёти учун муҳим масалаларнинг ечими чиғаллаштирилаётгани, жамият аъзолари орасига нифоқ солинаётгани, фуқаролар ва давлат ўртасида ишончсизлик пайдо қилинаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ёлғон хабарларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ва маиший ҳаётга салбий таъсири шу даражада ортиб кетдики, эндиликда муаммо глобал аҳамият касб этиб, халқаро миқёсда фейкларга қарши қонуний кураш жараёни жадаллашиб бораёпти.

Эндиликда фейкларга қарши курашда қонунчиликни такомиллаштириш, ОАВ ва бошқа ахборот тарқатувчиларнинг масъулиятини кучайтириш ва фуқароларнинг медиасаводхонлигини ошириш масалалари кун тартибиде турибди.

Қўлланма ушбу жиддий масалага тарихий, психологик, социологик ва ҳуқуқий нуқтаи назарлардан баҳо бериш ҳамда ахборот муҳити иштирокчиларининг профессионалиги ва саводхонлигини ошириш мақсадида тайёрланди.





ТРЕНДЛАР

Фейклар йил сайин кўпаймоқда. Таҳлилларга кўра, 2018 йилда эълон қилинган фейк материаллар сони 32 фоизга ортган.

+32%
фейк материаллар сони

-32%

жамоатчилик ишончи

ОАВ ва Интернетга ишонч инқирози кузатилмоқда. АҚШ жамоатчилик фикрини ўрганиш институти Gallupнинг маълумотларига кўра, 2016 йилда Америка ОАВга жамоатчилик ишончи 32 фоизга тушиб кетган, бу ушбу рейтинг тарихидаги (1972 йилдан бери) энг паст кўрсаткичдир.

Мутахассислар фикрига кўра, бу ҳолат расмий манбаларга бўлган ишончга ҳам салбий таъсир кўрсатади (маълумот қайта-қайта тасдиқланганига қарамай, жамоатчилик унга ишонмайди).


Фейк материаларга қарши курашни давлат даржасида амалга ошириш пайти келди. Фейклар билан қонунчилик орқали курашиш – кейинги йилларда халқаро миқёсда авж олиб бораётган тенденциядир.



ФЕЙКЛАР

ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

ФЕЙК (ингл. fake) — сохта, қалбаки деган маъноларни англатади. Ҳақиқатга жуда ўхшаб кетадиган ёлғон хабарлар, махсус дастурлар орқали ўзгартирилган фотосуратлар, монтаж қилинган видеороликлар, ижтимоий тармоқларда бошқа шахслар (одатда, машҳур инсонлар) номидан очилган “ёлғон аккаунтлар” фейкларга мисол бўла олади.



Фейк хабарларнинг сариқ матбуот ва сиёсий пропаганда билан умумлаштириб турувчи қатор хусусиятлари бор. Шунга қарамай уларни бадий тўқималар ёки сариқ матбуотда тарқатиладиган мишмишлардан фарқлаш лозим. Сариқ матбуотдаги мишмишлар асосан омманинг вақтини чоғ қилиш, у ёки бу шахсга эътибор тортиш учун тарқатилади ва унинг ижтимоий зарари катта бўлмайди. Фейклар эса жиддий ижтимоий-сиёсий мақсадларни ёки молиявий манфаатни кўзлаб тарқатиладиган ёлғон хабарлардир.

Шу сабабли ҳозирги кунда бутун дунёда фейкларга қарши курашни кучайтириш, бунинг учун, аввало, ҳуқуқий базани мукамаллаштириш тенденцияси кузатишмоқда.

ФЕЙКЛАРДАН КИМГА ҚАНДАЙ МАНФААТ БОР?



Сохта ахборот муаллифлари кўпинча кўзга яққол ташланадиган, “қичқирувчи” сарлавҳалардан ёки бошдан-оёқ тўқима воқеалардан фойдаланиб ўқувчилар аудиториясини оширишга ва ўзларига ҳаволаларни кўпайтиришга ҳаракат қилади. Бунда кликбейтинг орқали фойда олиш принципи қўлланилади, яъни қанча кўп одам улашса ва ўша ресурсга кирса, реклама берувчилар сони ҳам шунчалик ортади (**моддий манфаат**). Бунда тарқатилаётган ахборотнинг рост ёки ёлғонлиги аҳамиятга эга эмас, кўпроқ одам кўрса ва ресурсга кирса, бўлди. Аудиторияси катта Интернет ресурслари жамоатчилик фикрини бошқариш воситаси сифатида катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлади (**сиёсий манфаат**).



Ad-revenue (рекламадан осон даромад олиш), жамиятнинг сиёсий қутб-лашувининг кучайиши ва ижтимоий тармоқнинг кенг ёйилиши каби сабаб-ларга кўра бугунги кунда сохта хабарлар тарқалиши кўпайди. Номмаълум ёки тахаллус билан ёзадиган муаллифларнинг материаллари чоп этиладиган сайтлар-нинг хостингни аноним юритиш имконияти мавжудлиги сабабли ёлғон ахборот тарқатувчиларни қонуний таъқиб қилиш анчайин мураккабдир.



Фейк хабарларни **электрон почта орқали** тарқатиш “фи-шинг” (қармоқ усули)нинг бир тури сифатида кўп йиллардан бери қўлланиб келинади. Бунда почтага келган қизиқарли сар-лавҳали хабарга (қармоққа) фойдаланувчининг “илиниши” назар-да тугилади. Масалан, “Мен сени севаман” деган хабарни очган фойдаланувчининг компьюттери вирус билан зарарланади. Вирус тарқатувчилар эса шахсий маълумотларни кўлга киритиб, катта фойда кўрадилар. “Эрурсан шоҳ, агар огоҳсен сен” дея бежиз ай-тишмаган. Кимда ахборот бўлса, ўшанда ҳамма нарса бор.



Ёлғон етаклаган ҳақиқат:

ФЕЙКЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?



Австриялик олим Карл Краус шундай ёзади: “Дунёни уруш домига тортадиган нарса нима? Жавоб: ахборот! Аввалига дипломатлар ва сиёсатчилар журналистларга ёлғон маълумот берадилар. Кейин шу маълумотларни газеталарда ўқиб, ўзлари уларга ишонадилар”

Аввалига кимдир ёлғон гапиреди ёки ҳақиқатни бироз бузади. Кейин эса ёлғон атрофига тафсилотлар қўшила боради. Сўнгра у ҳақидаги шарҳлар ва мулоҳазалар пайдо бўлади. Бу ёғига ҳеч ким ахборотнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида бош қотирмайди. Ҳамма ўз фикрини маъқуллаб, баҳсда ютиб чиқишга зўр беради. Натижада ёлғон одамлар онгини, фикрини эгаллайди ва уни бошқара бошлайди.

Ёлғон фош қилингудек бўлса, бу истисно ҳолатдек қаралади ва шу пайтгача унинг атрофида айтилган фикрлар ва мулоҳазаларни шубҳа остига олиш учун бу етарли эмас деб ҳисобланади. Шу тарзда ёлғон – меъёр, ҳақиқат эса унинг меъёрлигини тасдиқловчи истиснога айланади.

Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг катта қисми Интернет тармоғидан кенг фойдаланади. “Smart Insights” компанияси томонидан ўтказилган “Global Social Media Research Summary – 2018” тадқиқоти натижаларига кўра,

2018 ЙИЛДА

Интернет фойдаланувчилари сони
4,021 млрдга
етган



Ижтимоий тармоқлар
фойдаланувчилари сони
3,196 млрдни
ташkil қилган

ДУНЁ
АҲОЛИСИНИНГ
53 ФОИЗИ

ДУНЁ
АҲОЛИСИНИНГ
42 ФОИЗИ

ДУНЁ АҲОЛИСИ Сони
7,5 МИЛЛИАРДДАН Ортиқ

2018 йил
2017 йил



2018 йил
2017 йил



Дунё аҳолиси сони 7,5 миллиарддан ортгани ҳисобга олинса, ушбу кўрсаткичлар Интернет ва ундаги ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари сони йилдан-йилга ошиб бораётганини билдиради.



Ҳозирги кунда мамлакатимизда
Интернетдан фойдаланувчилар сони

20 МИЛЛИОНГА етди.

Ижтимоий тармоқларда (Facebook, Instagram, Telegram)

БИР КУНДА 1,6 МЛН

фойдаланувчи фаолдир.



Тадқиқотлардан аён бўлмоқдаки, Интернетда, хусусан, ижтимоий тармоқларда ҳар куни миллионлаб ёлғон хабарлар тарқатилмоқда. Уларнинг оқибатлари ҳам турлича. Баъзилари ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаса-да, айримлари ишонарлиги билан кишини ташвишга солиб қўяди. Шу боис дунё давлатлари Интернетда тарқатилаётган ёлғон хабарларга қарши курашиш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан ўз қарашларини илгари сурмоқда.





БУЮК

ЁЛҒОНЛАР

ТАРИХИ

Инсоният тарихи оламшумул ёлғонларга тўла.

Ҳақиқат инсонга эркинлик беради деб ишонамиз. Аммо ёлғонни шуҳрат, қасос ва ҳокимиятга эришиш учун қурол қилиб олганлар кўп бўлган. Инсоният тарихида ёлғон ҳал қилувчи аҳамият касб этган, таъбир жоиз бўлса, тарих аравасини издан чиқариб, бошқа йўлга буриб юборган. Қуйида ёлғон ахборотнинг оқибатларини кўрсатиш, унинг ижтимоий-сиёсий хавфидан огоҳ этиш мақсадида улардан айримларини келтириб ўтамиз.



ТРОЯ ОТИ


Ушбу афсона (балки, ҳақиқат) Гомернинг “Илиада” ҳамда Вергилийнинг “Энеиде” дostonларида ҳикоя қилинган. Трояликлар 10 йиллик уруш натижасида юнонларни енгдик деб ишонган кунлари рақиб томонидан тухфа келади: уларга тинчлик рамзи сифатида катта ёғоч от совға қилинади. Трояликлар бу совғанни танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқмай, рақибга ишонадилар ва юнонлар совға қилган Троя отини ўзларининг мустаҳкам қалъалари ичкарасига киритиб қўядилар. Ярим тунда шаҳар аҳолиси уйқуга кетгач, улкан ёғоч от ичида яшириниб ўтирган юнон аскарлари ташқарига чиқиб қалъани эгаллайди. Трояликлар урушни бой берадилар.

СОХТА КНЯЖНА

1918 йили болшевиклар Россия императори Николай II ни рафиқаси, беш нафар фарзанди ва хизматкорларига қўшиб отиб ташлайдилар. Халқ орасида шоҳнинг кенжа қизи княжна Анастасия қатлдан қутулиб қолгани ҳақида гап тарқалди. Бу афсона кўпчиликнинг ўзини княжна Анастасия деб таништириб, манфаатдор бўлишга ундади. Улар орасида Анна Андерсон исмли аёл айниқса машҳур. У ташқи кўриниши жиҳатидан княжна Анастасияга жуда ўхшаш бўлгани учун ҳам ёлғонни фош қилиш анча кеч рўй берди. Унинг ўлиmidан сўнг ўтказилган ДНК экспертизасигина ҳақиқатни юзага чиқарди. Аёл оддий ишчи оиласида туғилган бўлиб чиқди.




ПИЛТДАУН ОДАМИ



1912 йил ҳаваскор археолог Чарльз Доусон ва унинг шериги – Британия табиий фанлар тарихи музейида ишловчи геолог Артур Смит-Вудвард Англиянинг Пилтдаун шаҳри яқинида бош чаноғи одамникига, жағи эса маймунникига ўхшаш скелет қолдиқларини топишгани ҳақида эълон қилишди. Ушбу топилма фанда оламшумул янгилик дея тақдим қилинди. Чунки ушбу

скелет маймуннинг инсонга айланиши ҳақидаги назарияда етишмаётган битта ҳалқа ўрнини гўёки тўлдирарди. Бироқ кейинчалик ёш олимларнинг ёлғони фош бўлди, яъни улар оддий скелет бош чаноғини бўяб, унга орангутан тишларини ёпиштириб ушбу “топилма”ни қўлда ясашгани фош этилди. Аммо унгача қанчадан қанча олимларнинг ҳақиқий илмий тадқиқотлари катта шубҳа остида қолди.

МЕЕГРАН ҚАЛБАКИ СУРАТЛАРИ



Хан ван Меегеран танқидчилар томонидан яхши баҳо олмаган ўртамиёна голланд рассоми эди. Охири у ўз манфаати йўлида катта ёлғонга қўл урди: машҳур мусаввир Ян Вермеернинг баҳсли суратларини (хусусан, танқидчилар Вермеерга тааллуқлилиги устида баҳслашаётган “Эммаусдаги шогирдлар” картинасини) қалбакилаштириб коллекционерларга катта пулга сотган.


У картинада ўша танқидчиларнинг баҳсларида тилга олинган деталларга эътибор бериб, уларни ишонтира оладиган даражада қалбакилаштирган. Меегеран катта миқдорда фойда ола бошлади. Аммо нафси уни ҳароб қилди: XX асрнинг 40-йилларида у ўзининг қалбаки картиналаридан бирини нацистлар генералига сотди. Урушдан кейин бу факт ойдинлашиб, Меегеранга кўп йиллик қамоқ жазоси таҳдид солиб турганда, қалбакилаштириш билан шуғулланганини тан олди. Меегеран 1 йилга озодликдан маҳрум этилган бўлса-да, суддан 1 ой ўтиб юрак хуружидан вафот этди.



УОТЕРГЕЙТ МАШМАШАСИ

Ушбу можаро АҚШ давлати учун жиддий талафот олиб келди. Президент Никсоннинг иккинчи муддатга қайта сайланганидан бир йил ўтиб унинг учун жуда ноқулай фактлар ошкор бўлди: маълум бўлишича, президентликка сайлов пайти Никсоннинг рақиблиари – АҚШ Демократик партияси вакиллари яшаб турган Уотергейт меҳмонхонасига яширин эшитиш ускуналари ўрнатилган. Аввалига президент бундан беҳабарлигини айтди. Аммо журналистлар Оқ уйдаги ўзаро суҳбатлар ҳам ёзиб олинишини аниқладилар. Никсоннинг бу ишларга бевосита алоқадорлиги ҳам ошкор бўлди. Импичментдан сўнг Никсон истеъфога чиқди. Бу эса орадан бир неча йил ўтиб Америка тарихидаги муваффақиятсиз президентлардан бири – Жимми Картернинг мамлакат бошқарувига келишига сабаб бўлди.

Фейклар ва ИЖТИМОЙ МЕДИА



Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали янги дўстлар орттирилади, ўзаро алоқалар мустаҳкамланади, уйдан ёки офисдан чиқмай туриб харидлар қилинади, маҳсулот нархлари, хуллас, барча янгиликдан сониялар ичида хабардор бўлиш имконияти мавжуд.

Аmmo бу хабарларнинг рост ё ёлғонлиги катта сўроқ остида. Шунингдек, у хабарлар ортидан келадиган турли оқибатларга ҳам ҳеч ким жавобгар эмасдек.

Хусусан муҳим воқеалар, сиёсий ўзгаришлар (масалан, референдум ёки сайловлар) даврида ижтимоий тармоқдан жамоатчилик фикрини шакллантириш учун энг самарали восита сифатида фойдаланилади. Лекин бу жараёнда фейклардан кўп фойдаланиш ҳам кузатилади. Хусусан, АҚШ президентлигига сўнгги сайлов жараёни бунга мисолдир.

Ўшанда Facebook фейк хабарлар тарқатиш орқали сайлов жараёнини исталган ўзанга буришда кучли қуролга айланиб қолди. Қайта улашилган ёлғон постлар сони тўғри маълумотлар сонидан ошиб кетди. Кўп ўтмай Facebook ёнига Twitter ҳам кўшилди. Америкаликлар асосий ахборотни ушбу икки ижтимоий тармоқ орқали олишлари ва асосан сарлавҳаларни ўқишлари натижасида фейклар орқали миллионлаб одамларни адаштириш нақадар осонлиги аён бўлиб қолди.

ИЖТИМОЙ СЎРОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА,

2016 йил декабрида (айнан АҚШ президенти сайловларидан сўнг)

64 %

сўралганлар ёлғон хабарлар туфайли воқелик ҳақидаги фикрлари чалкашиб кетгани қайд этишган.

24 %

сўралганлар сайловдаги танловлари тўғри бўлганига амин эмасликларини қайд этишган.

23 %

респондентлар эса онгли ёки онгсиз равишда ёлғон хабарларни тарқатишда иштирок этганларини қайд этишган.


Ушбу сўров фейкларнинг жиддий сиёсий оқибатларга олиб келганини кўрсатувчи яққол мисолдир.

Шундан сўнг Facebook тармоқда тарқатилаётган фейкларни аниқлаш ва улар ҳақида фойдаланувчиларни огоҳлантириб бориш масъулиятини зиммасига олди. Facebook бу вазифани тўлиғича эплей олмаётгани алоҳида масала. Лекин айнан шу ҳолат фейк хабарларнинг кўпайиб бораётгани бутун дунёда кузатилаётган тенденция эканини тасдиқлайди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўриб турганимиздек, улар у ёки бу жиҳатдан муҳим тарихий воқеаларга ва шахсларга тааллуқли бўлиши билан бир қаторда, кенг қамрови ва жиддий оқибатлари билан эътиборга молик.

Ахборот кўплиги ва тезкорлиги замонида эса ёлғон ахборотнинг қамрови ҳам, оқибати ҳам жиддий бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Бу иллат билан жиддий курашиш вақти етди.



ЁЛҒОН ВА
ҲАҚИҚАТ ЧЕГАРАСИ:

Биз фейкларни бошқарамизми ёки улар бизни?

**Ахборот асрида ёлғон маълумот тарқатиш-
ни террор тактикасига тенглаштириш мумкин.
ОАВ – ахборот урушида жуда кучли қурол.**



Оксфорд луғатида “**дезинформация**” сўзи шундай изоҳланади:



ДЕЗИНФОРМАЦИЯ — бу хорижий ҳукуматларнинг фикри ва сиёсатига таъсир ўтказиш мақсадида кўпинча давлат ёки унинг жосуслари томонидан хорижий ҳукуматларга ёки ОАВга атайдан ёлғон маълумот бериш”.




Кўришиб турганидек, дезинформация, яъни ёлғон маълумот тарқатишдан мақсад адаштириш, чалғитиш ва омма фикрини бошқаришдир.


Баъзида ҳаққоний маълумот қаерда тугаб, ёлғон қаердан бошланаётганини англаш қийин бўлади. Ахборотни бизнинг дунёқарашимизга мос тарзда талқин қилишади, токи биз унга ишонайлик, унга рози бўлайлик, қабул қилайлик. Шу орқали фикримизга таъсир ўтказилади ва маълум натижаларга эришилади. Тўлиқ бўлмаган ҳақиқат, ёлғон маълумот ва политтехнологиялар ахборот асрининг асосий маҳсулоти бўлиб қолди. Бундан мақсад ноаниқликлар ортига ҳақиқатни яшириш, ёлғон маълумотни пардозлашдир.

Номаълум томондан овоз келса, биз унинг қаердан келаётганини аниқлай олмаймиз. Чунки атрофдаги шовқин бунга йўл бермайди. Фейкларни тарқатишдан мақсад эса айнан шу – бизни чалғитиш, ортиқча шовқин кўпайтириш ва йўлимиздан адаштиришдир.

Фейкларнинг яна бир жиҳати – ўз-ўзини кўпайтира олиш қобилиятидир. Яъни мишмишлар бирдан болалайди, янги-янги, аммо ёлғон тафсилотлар билан бойиб боради ва одамлар тобора кўпроқ чалғиб борадилар.

Фейкларнинг тури кўп: бир томони очиқчасига зўравонлик ва геноцидга тарғиб қилиш учун чақириқлардан бошланиб, нариги томони инсонларнинг қалбларидаги нозик туйғуларни уйғотиб, жамоатчилик фикрини нотўғри ўзанга буриб юборишгача бориб тақалади. Бунинг жиддий оқибатлари ҳақида бир неча мисоллар келтириш мумкин.





ФЕЙКЛАР Ва ОҚИБАТЛАР

ИРОҚ. Ироқда оммавий қирғин қуроллари бор деган 2002 йилда тарқалган ёлғон маълумот ортидан АҚШ қўшинлари 2003 йилда ушбу ҳудудга бостириб кирди ва бир неча йиллик уруш бошланиб кетди. Бора-бора урушнинг мақсади оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш эмас, Ироқни диктатор Саддам зулмидан қутқариш ва демократияни қарор топтиришга айланиб кетди. “Қани ўша оммавий қирғин қуроллари?” деган саволга ҳеч ким аниқ жавоб бермади. Кўриниб турганидек, дезинформация орқали жамоатчилик Ироққа қарши қайралди ва уруш учун Америка Конгрессининг рухсати олинди.

Ҳозирда АҚШ ва Буюк Британияда Ироқ уруши бошланишига сабаб бўлган ушбу ёлғон маълумотнинг манбасини ва айбдорларни аниқлаш бўйича текширувлар кетяпти. Аммо уруш содир бўлгани фактини энди ҳеч нима ўзгартира олмайди.



РУАНДА. 1993 йил Руандада президент Хабьяри-маннинг самолёти уриб туширилиши ортидан геноцид бошланиб кетди. Бунга эса мамлакатда машҳур бўлган “Минг тепалик радиоси ва телевидениеси” (RTLM – Radio Television des Mille Collines) номли радио орқали тарқатилган ёлғон хабар сабаб бўлган. Ўшанда радио президент самолётини БМТнинг бельгиялик тинчликпарвар кучлари уриб туширди деган ёлғон хабар тарқатган. Натижада эртасига эрталаб ўнлаб бельгиялик аскарлар ўлдирилган, шундан сўнг БМТ кучлари мамлакатдан олиб чиқиб кетилган. Радиостанция қатлиомни тўхтатмасликка чақириб маълумот тарқатишда давом этган. Натижада бу узоқ йиллар давом этган геноцидга ва минглаб инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келди.



ҲИНДИСТОН. 2018 йилнинг сўнги ойларида Ҳиндистонда WhatsApp мессенжери орқали ёлғон хабарлар тарқалди. Хабарларда маълум шахслар болаларни ўғирлаш, аёлларни зўрлаш ва бошқа оғир жиноятларда айбланган эди. Ушбу фейклар натижасида камида 25 киши аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан жазоланиб, ўлдириб юборилди.



РОССИЯ. Ўзини экологик ҳаракат фаоллари деб таништирган шахслар оммавий ахборот воситаларига “Vinci” қурилиш компаниясининг топ-менежери корхона акциялари нарҳини сунъий равишда оширгани учун бўшатиб юборилди” деган ёлғон хабарни тарқатишди. Хабар эълон қилинган кун кечгача компания акциялари 20% га арзонлашди. Шундан сўнг экофаоллар электрон почта орқали ОАВга “Бу қурилиш компаниясининг аτροφ-муҳитга етказган зарари учун қасос эди” деган мазмунда хабар юбордилар.





ФЕЙКЛАР

АХБОРОТ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ

Ёлғон маълумот фақатгина ахборот манбаига боғлиқ ҳодиса эмас. Ёлғон унга ишонувчилар мавжуд бўлгандагина яшаб қолади.



Ҳаммамиз янгиликларга қизиқамиз. Улар бизни таъсирлантиради, ҳаяжонга солади, биз учун зерикарли ёки аксинча қизиқарли бўлади. Фейкларга қарши курашга бел боғлаган эканмиз, аввало, ўзимиз ахборотни қандай қабул қилишимиз ва тарқатишимизни тафтиш қилиб олайлик. Чунки бугунги кунда ҳар бир ахборот истеъмолчиси айна пайтда ахборот тарқатувчиси ҳам: масалан, телеграм каналидан келган маълумотни дўстлару танишларга улашмаган одам бўлмаса керак. Шундай экан, биз қандай ахборотни истеъмол қиляпмиз ва кўпайтиряпмиз? Бунинг устида ҳеч ўйлаб кўрганмизми?

Фейкларнинг нишони – бизнинг туйғуларимиз, чекланган дунёқарашимиз, ахборотни саралай билмаслигимиз ва албатта ўзимиз ишонгимиз келган ахборотгагина ишониш иллатимиздир. Бу тактика, ўзимиз ишонган ҳақиқатларни ҳар қандай баҳо эвазига бўлсин ҳимоя қилиш истагимиз туфайли юзага келган.



Ёлғон маълумот фаоллар ва етакчиларнинг обрўсини тўкиш, маълум гуруҳ одамларга нисбатан ғазаб уйғотиш ёки аксинча, ёт ғояларга нисбатан тоқатлилиқни шакллантириш, жамиятни гуруҳларга бўлиш, нифоқни кучайтириш ва ҳоказо мақсадларда тарқатилиши мумкин.

Аммо “мен ишондимми, демак шу ҳақиқат” принципидан фикрлашимиз орқали ҳар қандай ёлғон маълумотни ўзимиз “ҳақиқат”га айлантираемиз. Шундай экан, ахборотга нисбатан танқидий фикрлашимизни шакллантирмай туриб, “fake news” билан жангга кириш бефойда эканини англашимиз керак.



ҲАҚИҚАТ, ИШОНЧ ВА ЖУРНАЛИСТИКА:



Дунёнинг аксар мамлакатларида оммавий ахборот воситаларига ишонч тобора сусайиб бораётгани кузатилмоқда. Бу ижтимоий тармоқлар юзага келишидан аввал бошланган жараён бўлиб, ижтимоий тармоқлар эса нафақат ОАВга, умуман, ҳар қандай ахборотга нисбатан ишончсизлик муҳитини пайдо қилди.

Буни “**Ҳуқуқий ахборот**” телеграм каналида (қарийб 160 минг аъзоси бор) ўтказилган аноним сўровнома натижалари ҳам исботлаб турибди. Сўровномада иштирок этган 7 мингдан ортиқ иштирокчининг 43 фоизи ОАВ ва Интернетда тарқатилаётган хабарларнинг барини шубҳа остига олишини, “барча хабарларни текшириб кўриб, кейин уларга ишонишини” билдирган. Бу жуда катта ишончсизлик кўрсаткичидир.

Huquqiy axborot

ОАВ ва Интернетда тарқатилаётган хабарларни қандай қабул қиласиз?

Анонимный опрос

4% Сўзсиз ишонаман

18% Одатда ишонаман, баъзан текшириб кўраман

30% 50/50

43% Барча хабарларни текшириб кўраман, кейин ишонаман

5% Умуман ишонмайман

7131 голос

356 голосов

56.3K 20:15

БУЛАР НИМА УЧУН МУҲИМ?



Ҳақиқат либоси кийдирилган фейклар тобора кўпайиб борар экан, журналистиканинг обрўси ва унга бўлган ишончга ҳам тиклаб бўлмас путур етишда давом этади. Бу эса нафақат ОАВ учун, балки демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятининг ривожланиши учун ҳам салбий таъсир кўрсатади. Эркин ОАВ демократиянинг устунларидан бири экан, аввало у ўзини ўзи обрўсизлантирмаслиги лозим.

Ижтимоий тармоқда ҳар ким журналист, ношир, ахборот тарқатувчи бўлиши мумкин. Натижада экстремал фикрлар, турли ғояларнинг ҳеч тафтишсиз тез тарқалиши, популизмнинг авж олиши, қатъий эътироф этилган ақидалар ва ҳақиқатларнинг тобора кўпроқ шубҳа остига олиниши кузатилмоқда. Бундай шароитда оммавий ахборот воситалари ёлғонни фош қилувчи бўлиши керак. Аммо, афсуски, кўп ҳолларда уларнинг ўзлари ҳам Интернетда болалаган фейкларнинг тарқатувчисига айланиб қолмоқдалар.




Интернетда айтилган гап газетада чиқдими – у қарийб ҳужжатлашди деган ишонч бор. Афсуски, расмий аккредитациядан ўтган ОАВ ўзларининг таҳрир хайъати ва мутахассислардан иборат жамоалари билан ҳам фейкларни чоп этилишига йўл қўймоқдалар. Таҳририятларда фактчекинг тобора камайиб бормоқда.

Ҳар қандай ёлғон фейк бўлавермайди. Бир замонлар Арасту ҳам Ерни ясси шаклда деган ва унга одамлар ишонишган эди. Аммо Арасту бу гапни одамларни алдаш учун айтмаган, бу гапни рост деб ишонгани учун айтган. Арастунинг фактчекинг имкониятлари бизникидан анча кам бўлган.

Айтмоқчи бўлганимиз, атайдан тўқиб чиқилмаган, ҳақиқатни била туриб, одамларни алдаш ва чалғитиш учун айтилмаган ёлғонларни дезинформация ёки фейк дейиш тўғри эмас. Лекин бунда хато аниқлашгач, уни тан олиш ва узр сўраш муҳим. Афсуски, бизнинг ОАВда ҳам, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари орасида ҳам, фаол блогерларимизда ҳам тан олиш, хатони тўғрилаш ва узр сўраш ҳолатлари тарқатилаётган нотўғри маълумотларга нисбатан солиштирганда жуда кам.

Бу бир томондан этика масалаларига бориб тақалса, бошқа томондан ахборот тарқатиш масъулияти ва нотўғри маълумот бериш учун жавобгарликни ҳис қилмасликка бориб тақалади.

Демак, ОАВ ва Интернет ўзига нисбатан катта ишончсизлик шароитида ишончли ахборот манбаи ўлароқ яшаб қолишни ва ўз функцияларини беҳато бажаришни истаса, аввало, фейклар муаммосининг кўламини объектив баҳолаши ва уларга қарши уруш эълон қилиши керак. Бу, биринчи навбатда, ахборот тарқатувчиларнинг ўзлари учун муҳимдир.



Дунё ёлғонга қарши:

ФЕЙКЛАР ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ МУҲОКАМАСИДА



Интернет асрида, яъни истаган одам истаганча ахборотни тарқатиши мумкин бўлган шароитда фейклар урчиб кетмоқда. Иш шу даражага етдики, фейклар ва дезинформация халқаро анжуманларнинг бош мавзуси даражасига чиқди.

2018 йилнинг 6-7 ноябрь кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган ЕХХТнинг юбилей – йигирманчи халқаро медиаконференцияси айнан дезинформация, фейклар, фактларни текшириш мавзуларига бағишланди.

Унда Ўзбекистондан вакил сифатида иштирок этган Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Интернет-журналистика ва ижтимоий медиа факультети декани Нозима Муратова шундай ёзади:



“...Интернет барчанинг сўнги маълумотлардан хабардор бўлиши учун улкан қулайликлар тақдим этиб қолмай, унинг аудиторияси учун ҳам ахборот яратиш ва тарқатиш имконини бермоқда. Бироқ янги ахборот экотизимида ёлғон хабарлар кўпаяётгани жиддий хатарга айланиб, фактлар билан ишлашда журналистиканинг профессионаллик даражаси масаласининг долзарб аҳамиятини келтириб чиқарди ва фактларни текшириш кўникмасини такомиллаштиришни тақозо этмоқда...”¹



¹ <http://uza.uz/oz/society/feyklar-dezinformatsiya-va-ra-amli-malumotlar-davri-ekh-t-zh-08-11-2018>

Афсуски, ахборотнинг ноҳолислигини билиб туриб ҳам уни объектив маълумот сифатида тақдим этиш ҳоллари учрайди. Агар Буюк Британиянинг Сэлфорд университетининг профессори Марек Беккерманга ишонилса, **бугунги медиаоламда мутлақ ҳақиқатнинг ўзи йўқ.**

Унинг айтишича, тақиқлар фейк хабарларнинг кўпайишига олиб келади, чунки ОАВ вакиллари холис ва тўғри ахборотга етиб бора олмагач, ўзлари маълумотларни тўқий бошлайдилар. Аксинча, очиқлик ва шаффофлик эса фейкларнинг тез фош бўлишини, тўғри ахборотнинг тарқалишини таъминлайди.

Интернет, норасмий журналистиканинг ривожини ахборотлар ранг-баранглиги ва кўплигига йўл очса-да, бошқа томондан анъанавий ОАВда мавжуд муҳаррирлик текширувининг йўқолиб боришига олиб келмоқда. Кимдир ахборотни эшитади, эълон қилади, бошқалар эса тезкорлик васвасасида уни текширмай тарқатади.



МИСОЛ:

2018 йилнинг 1 ноябрь куни ижтимоий тармоқларда андижонлик бир оиланинг бирданига 4 нафар эгизак фарзанд кўргани ҳақида хабар тарқалди¹. Ушбу хабар бир неча оммавий телеграм каналларида ва ўқувчилар кириши бўйича Ўзбекистонда етакчи ўринларни эгаллаб келадиган Интернет нашрларида ҳам эълон қилинди.

Кўп ўтмай ушбу хабарнинг фейк экани, асли сурат Аризонада олингани ва хабар Ўзбекистонга тааллуқли эмаслиги аён бўлди. Мана шу ўринда фактларни текширмаслик, хабарни танқидий идрок этмаслик панд берди. Ваҳоланки, хабар тарқатувчилар шунчаки вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан боғланиб, хабарни текшириб кўришлари мумкин эди. Натижада, нашрлар узр сўраб, раддия беришга мажбур бўлишди.

¹ <https://24.kz/ru/news/social/item/276269-v-prichinakh-rasprostraneniya-fejkovykh-novostej-razbiralis-eksperty-v-astane>



Ёлгон хабарлар феномени — бу айсбергнинг юқориси бўлиб, унинг тубида бошқа муаммолар ҳам яширинган. “Фейк” сўзи — нафақат профессионалик масаласи, у аллақачон сиёсий тус олган, шу муносабат билан Буюк Британия ҳукумати расмий ҳужжатларда “ёлгон хабарлар” деган тушунчадан фойдаланишни тақиқлади”.

Марек Бекерман

МИСОЛ:

2016 йилнинг ёз ойларида аввал Европа сайтларида, кейинроқ МДХ мамлакатлари ҳудудидаги Интернет нашрларида Франциянинг ўша пайтдаги таълим вазири Нажат Валло Белқасам хонимнинг сурати чўпон қизчалар тасвири билан ёнма-ён қўйиб тарқатилди. Гўёки Белқасам хоним ёшлигида Марокашда чўпон бўлган ва ўз интилишлари натижасида Франция таълим вазири даражасигача кўтарилган. Жуда ёрқин тарих, шундай эмасми?

Белқасам хонимнинг таржимаи ҳолини ўқиб, у қурувчининг қизи бўлгани ва 5 ёшидаёқ Марокашни тарк этганини топиш қийин эмас. Қолаверса, суратларда бир эмас, бир неча қизчалар Белқасам хонимнинг болалиги дея тақдим этилган. Яъни, бу сурат ва хабар – росмана фейк.



Ушбу сурат ижтимоий тармоқлар орқали тарқалгач, Белқасам хонимга омманинг ҳурмати ортиб кетди, унинг таржимаи ҳоли ва ғояларига қизиқувчи мухлислар сони ҳам мисли кўрилмаган даражада кўпайди. Кимдир унинг муслима экани, яна биров камбағал оиладан чиққани, яна кимдир эса аёл экани туфайли ҳурмат қилиб, ўз дини, ижтимоий мақоми ва жинсига оид умумийликдан фахрлана бошлади. Фақат...



Белқасам хоним абортлар ва бир жинсли никоҳ тарафдори экани маълум бўлгач, шамол қаёқдан эсаётгани аёнлашди.

Шу тарзда фейклар орқали жамоатчилик фикри бошқариб борилмоқда. Бунда ижтимоий тармоқларнинг роли жуда катта экани маълум.

Ижтимоий тармоқлар фейкларни тарқатиш каналларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий медианинг тобора ортиб бораётган роли ва таъсири туфайли журналистларнинг ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган ахборот билан ишлашларига тўғри келади. Бунинг ёмон томони ҳам йўқ, аслида.

Чунки аккаунт эгалари ижтимоий медиадан ўз фикрларини билдириш воситаси сифатида фойдаланадилар. Бу журналистга жамоатчилик фикрини ўрганиш учун беминнат ва тезкор манба вазифасини ўтайди.

Қолаверса, ижтимоий тармоқлар журналист текшируви ўтказиш ва турли муҳокамалар учун қулай ёрдамчидир. Шунингдек, у ахборот мониторинги учун кенг имкон беради.

Шунга қарамай, журналистлар ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган ахборот билан ишлашда ҳушёрликни унутмасликлари ва танқидий фикрлашлари зарур.

ФЕЙКЛАРНИ
ФОШ ҚИЛИШ

ФАКТЧЕКИНГ

ФАКТЧЕКИНГ –

фактларни текшириш.

Бунда мавжуд фактлар ва воқелик ўртасидаги номутаносибликлар аниқланади, шу орқали фактларнинг рост ёки ёлғонлиги фош қилинади.

Фейклар қурбонига айланмаслик учун уларни тоза ахборотдан фарқлашни ўрганиш керак. Бунда, албатта, фактчекинга мурожаат қилинади. Қуйидаги тавсиялар бунда қўл келиши мумкин.

ФЕЙКЛАРНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?



МАНБАНИ ЯХШИЛАБ ЎРГАНИНГ

Хабардан бош саҳифага ўтиб, сайтнинг мақсади, вазифалари ва контенти ўрганиб чиқинг.



ХАБАРНИ ОХИРИГАЧА ЎҚИНГ

Баъзида эътибор тортиш учун сарлавҳаларда воқелик бўрттириб ёки бузиб кўрсатилиши мумкин.



МУАЛЛИФНИ ТЕКШИРИНГ

Муаллиф ҳақида маълумот излаб кўринг, ҳақиқатда бор одамми, ишончли маълумотларни ёзадими?



ҲАВОЛАЛАРНИ ТЕКШИРИНГ

Бирон хабарни бошқа ҳаволалар орқали ҳам қидириб кўринг, бир неча манбадан олинган маълумотларни солиштиринг.



САНАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Янгилик, хабарнинг санаси янгими? Эски хабарни тақдим этишмаяптими?



БАЛКИ БУ ҲАЗИЛДИР?

Хабар жуда ғалати, реалликка тўғри келмайдиган бўлса, балки бу ҳазилдир деб гумон қилинг. Кўпинча улар ҳазил бўлиб чиқади.



ХОЛИС БЎЛИНГ

Маълумот сизга ёққани ёки ёқмагани нуқтаи назаридан эмас, холис қарашга ўрганинг.



МУТАХАССИСЛАРДАН СЎРАНГ

Хулоса чиқаришдан аввал соҳа мутахассисидан фикрини сўранг.



Поиск по картинке

Используйте для поиска в Google изображения, а не текст. Перетащите ее сюда.



Перетащите изображение сюда

В Донецке война: обстрел из истребителей, люди убегают из своих домов, сожженные автомобили, множество раненных (ФОТО)



Донецк, Май 20 (Интерфакс, Виктор Лисицкий) - В Донецке

Скачать картинку...
Копировать URL картинки
Изменить разрешение
Скачать картинку в моей галерее
Найти все изображения в Google
Печать...
Пользовательские значки


vladimir_khm - Обращение Пушилина к Путину и русскому ...
vladimir_khm.blogspot.com/176802.html
180 x 370 - 4 дня назад - Никто невинных Пушилина по ситуации в Донецке: "Сидеть мы ... Фотографы сбили жел. зонт и сфотографировали несколько раненых ...

Акти - Москва [UA] | ВКонтакте
vk.com/akti_moskva_ua
454 x 309 - Расположен СММ использует фотографии из Донецкой области в ... ипользуван "фейк" фотографии в районе парка имени Щоржова Донецка.

Donetsk, Ukraine / "The City of Million Roses" - Page 2 ...
www.4matnews.com - Служба и Skyline Photos
37 фото, 2012 г. - Событий, 20 - Автор: 6
1022 x 370 - Page 2, Donetsk, Ukraine / "The City of Million Roses" / Skyline and Skyline Photos
http://www.photoslab.com/user/6041938/

ПОЛЕТ ДЕМОКРАТИИ #SaveDonbassPeople - leon_rumata
leon_rumata.livejournal.com/176232.html
300 x 370 - 4 дня назад - участники наступления войск жуны на Донецк. Во время атаки - ГРАЖДАНСКАЯ ВОЙНА (УКРАИНОС) КРУЖИС ВАБИЛИ ФОТО ...

1



2



3


ФЕЙК ФОТОНИ АНИҚЛАШ

Фотофейклар бошқа фейкларга қараганда кўп учрайди, уларни аниқлаш ҳам осон. Интернетдаги фотосуратнинг асли қаердан келганини билиш учун, агар сиз Google Chrome браузеридан фойдалансангиз, расмнинг устига сичқонча кўрсаткичини олиб келинг, ўнг тугмачасини босинг ва "Суратни Googleдан топ" пунктини танланг.

Типеуе сервиси эса мураккаброқ фотофейкларни аниқлаб беради: у нафақат суратнинг аслини топади, балки турли ҳажмдаги вариантларини таклиф қилади, қачон тармоққа юкланганини айтади ва ҳ.к. Шу сабабли фото қайси даврга ва ҳудудга оидлиги, компьютерда қайта ишланган-ишланмаганини аниқлаш мумкин.

ФЕЙК ВИДЕОНИ АНИҚЛАШ


Видеонинг иши қийинроқ: бунинг учун озгина тадқиқот ўтказиш лозим. Агар видео Youtube га жойланган бўлса, уни Youtube DataViewer сервисидан ўтказинг. У сизга видео қачон тармоққа юкланганини айтади ва бир нечта скриншотлар олиб беради. Улар ёрдамида Интернетдан шунга ўхшаш видеоларни излаб топишингиз мумкин бўлади.



Браузерлар учун InVID плагини эса янада кенгроқ имкониятларга эга. У турли платформалардан (Facebook, Instagram, YouTube, Twitter) ўхшаш кадрларни сақлаб олади, уларнинг сифатини яхшилайди ва сизга тўлиқ ахборот беради. Сиз видеонинг тармоққа юкланганидан бери “юрган йўли” ҳақида маълумот оласиз ва хулоса чиқарасиз.



Видеодаги жойни билдирувчи майда деталларга эътибор беринг: йўл белгилари, машина рақамлари, ноодатий бинолар, одамлар кийган кийимлар ва ҳ.к. Google street view виртуал хизмати орқали шу жойни бир айланиб чиқиб, видеода кўрганингизга солиштиринг.





ФЕЙК ЯНГИЛИКНИ АНИҚЛАШ

Фейк янгиликлар асосан сизнинг туйғуларингизга таъсир кўрсатишни мақсад қилиб олади. Кўпинча “бақироқ” сарлавҳалар қўйилади. Масалан, “Бу видео сизни шокка туширади” ёки “Фалончининг сири очилди: даҳшат!”. Шу каби сарлавҳаларни кўрсангиз, ҳаволага ўтманг, кўпинча булар фейк бўлиб чиқади.

Хабар ёки мақолани ўқиётганда эса, аввало, манбасига эътибор беринг. Шубҳали сайтга ҳавола берилса, ишонманг, текшириб кўринг. Чунки айрим сайтлар реклама учун кирувчилар сонини кўпайтириш мақсадида фейк янгиликлар тарқатади.

Шунингдек, “номи сир сақланишини истаган манба” ва ёки ижтимоий тармоқдаги шов-шувларга ҳавола берилган хабарлар ҳам кўпинча ўз тасдиғини топмайди.

Агар Американинг ёки Европанинг йирик сайтлари ва ахборот агентликлари манба сифатида кўрсатилган бўлса, эринмай ўша манбага кириб хабарни текширинг.

Шунингдек, муаллиф фактлар ва нуқтаи назарлар мувозанатига нақадар риоя этгани ҳам муҳим. Бирёқлама берилган фикрлар хабарнинг тўғрилигига ҳам шубҳа уйғотиши керак. Текшириб кўринг!

ҚОНУН FAKE NEWSГА ҚАРШИ:

ЧЕКЛОВ, МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК



False news issues are related to the rule of law, the promotion of journalistic and journalistic ethics norms, the dissemination of information and the responsibility of journalists and citizens. These issues are not only related to the rule of law, but also to the rule of law. These issues are not only related to the rule of law, but also to the rule of law. These issues are not only related to the rule of law, but also to the rule of law.



ЖАҶОН ТАЖРИБАСИ



МАЛАЙЗИЯ



Малайзияда 2018 йил апрелида “Ёлғон хабарларга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Англо-саксон ҳуқуқ тизимига асосланган ушбу давлатда ёлғон хабар тарқатганлик учун Қонуннинг 4-моддасида 500 000 рингит (168 минг АҚШ доллари) ва 6 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, яъни 2018 йилнинг август ойида мазкур қонун бекор қилинди. Бунга жамоатчиликнинг Қонунга эътирози, ҳуқуқ ҳимоячиларининг норозилиги сабаб бўлди. Уларнинг фикрича, қонун фуқароларнинг сўз эркинлигига бўлган ҳуқуқини чеклашни кўзлаган. Қонун ўзи амалда бўлган давр мобайнида кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган эди.



ФРАНЦИЯ



Франция Президенти Эммануэл Макрон томонидан ёлғон хабар тарқатаётган оммавий ахборот воситаларига нисбатан таъсир чораларини қўллашни назарда тутувчи қонун қабул қилиниши эълон қилинди. Жамоатчилик фикрини бошқаришга қаратилган ахборотлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида шундай қилиш зарурлиги таъкидланди.

Франция Миллий Мажлиси қуйи палатаси “Ёлғон хабарга қарши кураш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини маъқуллади. Агар мазкур қонун кучга кирса, француз судлари оммавий ахборот воситаларини уларнинг ишончилиги бўйича келиб тушган шикоятга кўра блоклаб қўйиш ваколатига эга бўлади ва 48 соат ичида ахборотнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлайди. Бундан ташқари ОАВ бўйича ваколатли орган хорижий давлатлар томонидан молиялаштириладиган телевизион каналлар, радиостанцияларни улар томонидан мамлакатдаги вазиятни беқарорлаштиришга бўлган уринишлар бўлган тақдирда блоклаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.



РОССИЯ



Россия Давлат Думаси ёлғон хабарга қарши курашиш мақсадида “Ахборот, ахборот технологиялари ва ахборот ҳимояси тўғрисида”ги ҳамда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Федерал қонунларга ўзгартишлар киритиш устида иш олиб бормоқда. Бу борада маълум натижаларга эришилди ҳам. 2019 йил 13 март куни юқори Федерация Кенгаши ёлғон хабарлар тарқатган ресурсларни блоклаш ва жазолаш кўзда тутилган қонун лойиҳасини маъқуллади.

29 мартдан бошлаб “Ёлғон хабарларни тарқатганлик учун жавобгарлик тўғрисида”ги Қонун кучга кирди. Қонунда ёлғон хабар тарқатишда айбдор деб топилган шахсларга 30 минг рублдан 100 минг рублгача жарима жазоси белгиланади. Такрорий ҳуқуқбузарлик учун 100 минг рублдан 300 минг рублгача жарима ёки 15 суткагача маъмурий қamoқ жазоси тайинланади. Агар хабар шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказган бўлса, жарима суммаси 300 минг рублдан 600 минг рублгача бўлган миқдорни ташкил этади.

Шунингдек, Қонунда юридик шахслар учун ҳам жавобгарлик белгиланган бўлиб, улар учун жарима суммаси 200 минг рублдан 1,5 миллион рублгача бўлган миқдорда белгиланган.



УКРАИНА



Украина Олий Радасида ёлғон хабар тарқатган журналистларни суд қарорига мувофиқ оммавий реестрга киритиш таклифи кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, ёлғон хабар тарқатганлик учун катта миқдордаги жарималар қўллаш ҳам таклиф этилмоқда.

Франция ва Украинада илгари сурилаётган қонун лойиҳаларида асосий урғу ёлғон хабар тарқатган журналистлар ва улар фаолият олиб борадиган оммавий ахборот воситаларига нисбатан қаратилган. Улардан фарқли равишда Малайзияда бекор қилинган қонунда жавобгарлик субъекти нафақат журналист ёки оммавий ахборот воситаси, балки жисмоний, ҳатто юридик шахсларнинг ҳам жавобгарлиги назарда тутилган.



ГЕРМАНИЯ



Германияда “Интернет” жаҳон ахборот тармоғида ёлғон хабар тарқалишига қарши курашишга қаратилган “Тармоқда қонунийлик тўғрисида”ги Қонун (NetzDG) қабул қилинган. Қонунга кўра, Интернет-манбалар фойдаланувчиларнинг шикоятларига, шу жумладан, ёлғон хабар масалалари бўйича мурожаатларга муносабат билдириши шарт. Кимки шикоятни кўриб чиқишни рад этса ва тегишли чора кўрмаса, 50 млн еврогача жарима билан жазоланади. Бунда субъектнинг жисмоний ёки юридик шахс бўлиши аҳамиятга эга эмас.

Қонун асосан Интернет журналистикасида қонунийликни таъминлашга қаратилган дейиш мумкин. Twitter тармоғидаги “Titanic” сатирик журнали аккаунти мусулмонларга қарши изоҳ учун ҳуқуқбузар сифатида блоклаб қўйилган. Бундай қарор қабул қилиш учун келиб тушган шикоятлар бўйича эътироз ва даъволар Федерал вазирликнинг эксперт бўлими томонидан етти кунлик текширувлар давомида аниқланади ва қарор қабул қилинади.

Бундан ташқари, Германияда “Ижтимоий тармоқларда ҳуқуқни қўллашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қонун (немислар ушбу Қонунни “Facebook тўғрисида”-ги Қонун деб атайдилар) 2017 йил 1 октябрдан буён амал қилади. Қонунда унинг аниқ ҳаракат қилиш доираси белгиланган бўлиб, бу унинг номидан кўриниб турганидек ижтимоий тармоқлар ҳисобланади. Ушбу қонуннинг яна бир хусусияти у Интернет журналистлари фаолиятига, уларнинг ижтимоий тармоқлардаги контентларига нисбатан татбиқ этилмайди. Шунингдек, Қонун Германия Жиноят кодекси амалдаги нормаларининг ижтимоий тармоқларга нисбатан қўллаш тартибини белгилайди.

Қонунга кўра конституциявий тузумга, миллатлар ўртасидаги аҳилликка зид бўлган, нацизм ғояларини тарғиб этувчи, шахс, унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи, шахсий ҳаёт дахлсизлигига дахл қилувчи, унга тажовуз қилувчи ва болалар порнографиясини тарқатувчи маълумотларни тарғиб қилиш, ижтимоий тармоқларда тарқатиш тақиқланади.

Ноқонуний контентларни блоклаш тўғрисида тегишли сўров ижтимоий тармоқ маъмуриятига юборилади. Ижтимоий тармоқ ходими 24 соат ичида контентни блоклаш ёки ўчириш бўйича қарор қабул қилиши лозим бўлади.

Ҳар икки қонун мамлакат ичкарасида ва халқаро майдонда цензура омили сифатида қаттиқ танқидга учраган.



БУЮК БРИТАНИЯ




Буюк Британияда Интернетдаги фейклар ва манипуляцияларга қарши курашиш кенг тус олган. Facebook, Google ва Twitterда тарқатилаётган хабарлар учун ушбу Интернет-гигантларни жаримага солиш масаласи кўтарилмоқда. Ҳозирги кунда Буюк Британия ҳукумати томонидан Интернетни тартибга солиш принципларини ўзида акс эттирувчи Рақамли хартияни қабул қилиш устида иш олиб борилмоқда. Бунинг учун кўнгилилар, IT-компаниялар, таълим муассасалари, аҳоли ва жамоатчилик ташкилотлари жалб қилинган.



АҚШ

АҚШ Конгресси Сенати томонидан 2017 йил 19 октябрда “Адолатли реклама тўғрисида”ги Қонун (Honest Ads Act) қабул қилинган. Қонунга биноан Интернет-компаниялар ўзларида эълон қилинган тарғибот (товар, иш ва хизматлар кўрсатишни) материаллари буюртмачилари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжат нусхаларини сақлаб қўйишга мажбурдирлар.





ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ

Интернетда тарқалувчи ёлғон хабарларга қарши курашувчи алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас. Лекин ахборот, ахборотлаштириш ва реклама соҳаларини, оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи ҳамда нотўғри ахборот ёрдамида бировнинг обрўсини тўкиш, тухмат қилиш, уруш ва адоват қўзғаш каби ижтимоий хавфли қилмишлар содир этганлик учун жазони назарда тутувчи бир қатор қонун ҳужжатлари мавжуд. Хусусан:

АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуннинг 5-моддасида ҳар ким ахборот олишни сўраб бевосита ўзи ёхуд қонуний вакиллари орқали мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Қонуннинг 6-моддасига кўра ахборот олишга доир сўров оғзаки, ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда ифодаланиши мумкин.

Сўровга иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши шарт.

БЛОГЕР МАСЪУЛИЯТИ

2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида блогер тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра блогер – Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс.

Қонуннинг 121-моддасида ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернетда тарқатиш тартиби белгиланган. Унга кўра қайси ахборот турлари Интернетда тарқатилмаслиги номма-ном кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари моддада веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни жойлаштиришдан аввал унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек, жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда уни дарҳол ўчириб ташлаши шартлиги кўрсатилган.





РЕКЛАМА ВА ЁЛҒОН

1998 йил 25 декабрда қабул қилинган “Реклама тўғрисида”ги Қонунда нотўғри ва яширин реклама тушунчаларининг мавжудлиги ёлғон рекламага қарши курашиш бўйича норматив асос борлигини кўрсатади.

4

РАДДИЯ БЕРИШ. 2007 йил 15 январдаги Қонун билан тасдиқланган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасида юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга мос келмайдиган ҳамда ўзининг шаъни ва қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини таҳқирловчи маълумотлар учун раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Бу билан шахсларнинг раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи мустақамланган.

БОЛАЛАРНИ ЁЛҒОНДАН ҲИМОЯЛАШ. 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда ахборот маҳсулоти деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланиш учун мўлжалланган оммавий ахборот воситалари маҳсулоти, босма маҳсулот, ҳар қандай турдаги ташувчилардаги аудиовизуал маҳсулот, дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда тарқатиладиган, телекоммуникация тармоқларига, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириладиган ахборот, компьютер ўйинлари, шунингдек, томошабоп тадбирлар воситасида тарқатиладиган ахборот тушунилиши белгиланган.

РАҚОБАТЧИЛАРНИ ОБРЎСИЗЛАШТИРИШ

Кўпинча телеграм мессенжери орқали ва бошқа ижтимоий тармоқларда у ёки бу товар ёки ишлаб чиқарувчини обрўсизлантириш орқали рақобатчиларга иқтисодий зарба беришга қаратилган овозли, фото ва видеохабарлар тарқалади.

Рақобатчини обрўсизлантириш, яъни босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192-моддасида жавобгарлик белгиланган.



ТУҲМАТ

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида ҳамда Жиноят кодексининг 139-моддасида туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бунда, туҳматни айнан қайси шаклларда ва қандай йўллар билан амалга оширилганлигига қараб (масалан, нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали туҳмат қилиш) жавобгарлик оғирлашиши назарда тутилган.

УРУШНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ

Урушни тарғиб қилиш, яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатганлик учун Жиноят кодексининг 150-моддасида жавобгарлик назарда тутилган.

Mallory Helps Our Fliers Kiss The Noise Good-Bye





МИЛЛИЙ, ИРҚИЙ, ЭТНИК ЁКИ ДИНИЙ АДОВАТ ҚЎЗҒАТИШ. Жиноят кодексининг 156-моддасида миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасисизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШ

Амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очикдан-очик даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш учун жавобгарлик Жиноят кодексининг 159-моддасида ўз ифодасини топган.

Шунингдек, мазкур моддада, ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини афдариб ташлаш мақсадида фитна уюштиришдан иборат ижтимоий ҳавfli қилмиш учун жавобгарлик назарда тутилган.





МАЪНАВИЙ ЗАРАР ЕТКАЗИШ. Маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланиши, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, агар зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса, қопланиши, маънавий зарар пул билан қопланиши, маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкӣ зарардан қатъи назар қопланиши Фуқаролик кодексининг 1021-1022-моддаларида ўз ифодасини топган.

МИЛЛИЙ, ИРҚИЙ, ЭТНИК ЁКИ ДИНИЙ АDOVATНИ ТАРҒИБ ҚИЛУВЧИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, САҚЛАШ ЁКИ ТАРҚАТИШ

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184³-моддасида миллий, ирқӣ, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш учун жавобгарлик белгиланган.

Кўриниб турибдики, ёлғон ахборот зарарли таъсирининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича давлат қонунчилигида анчайин пухта база мавжуд.

Бироқ шунга қарамасдан, бир қатор ҳолатлар бўйича **қонунчиликда бўшлиқлар** бор, масалан:

- ↖ аҳоли ўртасида ваҳима, қўрқув ва давлатга қарши норозилик кайфиятини уйғотиш мақсадида ҳалокатлар тўғрисида (табиий ёки бошқа турдаги) ёлғон ахборот тарқатганлик;
- ↖ аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш учун аслида содир бўлган фожиалар тўғрисида нотўғри ва тасдиқланмаган ахборот тарқатганлик;
- ↖ ҳодиса айбдорлари тўғрисида ёлғон фактларни маълум қилиш, масалан, аслида умуман ҳодисага алоқадор бўлмаган шахсларни ҳодиса иштирокчиси, ҳодиса айбдори сифатида кўрсатганлик учун жавобгарлик масалалари қонунчиликда баён этилмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонун бундан 22 йил олдин қабул қилингани сабабли унда кўрсатилган сўровни кўриб чиқиш муддатлари бугунги тезкор даврда мутлақо талабга жавоб бермайди. Ахборот олиш тўғрисида сўров келиб тушдими, унга тез фурсатда жавоб бериш лозим. Қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган “сўровга иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак” ҳамда “агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, мурожаат этувчига бу ҳақда сўров олинган санадан бошлаб етти кундан кечиктирмай маълум қилиши, шунингдек, имкониятга қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг номини маълум қилиши шарт” нормаларини ўзгартириш ва кўрсатилган муддатларни қисқартириш лозим. Шунингдек, табиий офатлар, содир бўлган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида тезкорлик билан ҳодиса бўйича қилинган дастлабки хулоса ва тахминларни ваколатли орган сўров келиб тушмасдан эълон қилиши лозимлигига оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, мазкур Қонунни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 121-моддаси 3-қисмида белгиланган талабларга амал қилинмаган тақдирда веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда махсус ваколатли орган томонидан чекланиши мумкин. Аммо амалда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қанақа тартиб белгиланганлиги ва қандай орган махсус ваколатли орган ҳисобланиши тўғрисида бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Шу билан бирга, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунда шахслар қатори ёлғон маълумотларни тарқатган оммавий ахборот воситасига ушбу фактни ОАВнинг ўзи аниқлаган ҳолларда ўз ташаббусига кўра ахборот бўйича раддия бериш ҳуқуқини бериш керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 237-моддасига ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида жиноят тўғрисида берилган ёлғон хабар аҳоли ўртасида ваҳима ёки кўрқув чиқарган ҳолатларни киритиш лозим бўлади.



1 МЕДИАСАВОДХОНЛИК НИМА ВА НИМА УЧУН БУ МУҲИМ?

Медиясаводхонлик шахсинг ўзи истеъмол қилаётган ва тарқатаётган маълумотлар ҳақида танқидий фикрлаш қобилиятидир. Бу субъектив фикрни фактдан фарқлаш қобилиятини англатади. Шунингдек, одамларни ишонтириш учун оммавий ахборот воситаларидан қандай фойдаланиш мумкинлигини фаҳмлаш ҳам медиа саводхонликдир. Ахборот асрида медиа саводхонлик жуда катта аҳамиятга эга, чунки технологиялар ва оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривожланган дунёда айнан медиа саводхонлик одамларни билимдон ва воқеликни танқидий идрок этувчи онгли шахсларга айлантиради. Медиясаводхонликни ошириш йўли билангина ахборот истеъмолчиларини нотўғри ва ёлғон маълумотларга қарши “эмлаш” мумкин.

2 FAKE NEWS (СОХТА ЯНГИЛИК) НИМА ВА ОДАМЛАР НИМА УЧУН УНИ ЯРАТАДИ?

Фейк (сохта) ахборот – бу одамларни чалғитиш учун ўйлаб топилган тўлиқ ёлғон ёки катта қисми ёлғондан иборат маълумот. Сохта ахборотни яратиш ва тарқатишдан асосий мақсад молиявий ёки сиёсий манфаатдир.

Баъзида ахборот тарқатувчилар билмасдан хато қилиб, нотўғри маълумот уза-тишлари мумкин. Аммо улар маълумот ёлғонлигини билганлари заҳоти оммадан узр сўраб, хатони тўғрилаши керак, шунда бу хабарни бирон манфаат йўлида атай тўқилган ёлғон маълумот (фейк) эмас, вазият тақозосига кўра юзага келган касбий хато сифатида тан олиш мумкин.

3 ФАКТ ВА ФИКРНИ ҚАНДАЙ ФАРҚЛАШ МУМКИН?

Фактлар ҳам, фикрлар ҳам дунёни англашга ёрдам беради. Фактлар нима содир бўлганлиги ёки мавжудлиги тўғрисида аниқ хабарлардир. Фикрлар эса шахснинг у ёки бу факт ёки ҳодисани ўз нуқтаи назаридан талқин қилиши ёки таассуроти-ни баён этиши ҳисобланади. Фикрлар ҳам фактлар каби инсоннинг дунёқараши-га таъсир қилиши табиий. Лекин фикр билдирадиганлар нотўғри маълумотларни эмас, ҳақиқатни қўллаб-қувватлаши керак.

4 АХБОРОТНИНГ ҲАҚҚОНИЙЛИГИНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

Манбани яхшилаб тафтиш қилинг, у ердан эълон қилинган бошқа хабарларнинг кейинчалик нақадар ҳаққоний бўлиб чиққанини ўрганинг. URL манзили қонунийми?



Янгиликлар бир томонлама берилмаганми ёки муайян нуқтаи назардан ёритилмаганми? Шунингдек, мақоланинг муаллифига ҳам қизиқиб кўринг. У ҳақиқатда мавжуд шахс эканига далил борми? Манба ва муаллифни бундан бошқа яна қандай материаллар эълон қилганини ва бошқалар улар ҳақида нималар деяётганини кўринг. Баъзан сиз ўша манбанинг матнини кўчириб, уни қидирув тизимига жойлаштириш орқали ахборотининг тўғрилигини текшириб кўришингиз мумкин. Кўпинча (лекин ҳар доим ҳам эмас) қидирув бу ахборотни шубҳа остига оладиган ёки тасдиқлайдиган сайтларни кўрсатади, бироқ ушбу маълумотни такрорлайдиган бошқа сохта янгиликлар сайтларини ҳам келтириши мумкин.

5 СОХТА ЯНГИЛИКЛАРНИ КЎРСАНГИЗ, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Сохта янгиликларни тарқатиш тўғри иш бўлмаса-да, ундаги маълумотларни текшириб, тўғрилаб, мана шу гап тарқалаяпти, аммо аслида ҳақиқат мана бундан иборат, қабилида вазиятга ойдинлик киритишингиз мумкин.



ХУЛОСА

Биз олиб бораётган ислоҳотларнинг тақдири сайловларда овоз бериш кабинасида тўғри қарор қабул қила оладиган, шахсий, иқтисодий, ижтимоий, илмий ва ҳоказо соҳаларда ростни ёлғондан фарқлай оладиган онгли фуқароларга боғлиқ.

Шунингдек, биз плюрализм ва ҳурфикрлилик даврида яшаяпмиз. Бу эса ўз навбатида турли талқинлар, мулоҳазалар ва фикрлардан таркиб топган медиа-майдон деганидир.

Шундай шароитда фейклардан келаётган таҳдидни тўғри баҳолаш ва унга қарши тура олиш ҳар бир давлатнинг вазифаси, ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Албатта, ҳушёрлик ва қонунга итоаткорлик билан бир қаторда фейкларга қарши курашнинг замонавий усулларига мурожаат этиш, бу борада инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш лозим.

Хусусан, фейкларни фош қилишга йўналтирилган портал ташкил қилиш, унда ишончсиз манбалар (ёлғон маълумотларни кўп тарқатадиган матбуот нашрлари, электрон ОАВ, блоглар ва аккаунтлар) реестрини юритиш, fake news ҳақида маърифий ва таҳлилий материаллар бериб бориш, аҳолининг медиасаводхонлигини ошириш катта аҳамиятга эга.

Энг асосийси эса ахборот тарқатиш масъулиятини ҳис этиш, бу борада ҳуқуқий оқибатларни ўйлаш ва жавобгарликни унутмаслик лозим.

Қўлланма медиа-макондаги муносабатларнинг қонуний ва тартибли бўлишини таъминлашга ҳамда томонларнинг ҳушёрлигини оширишга ёрдам беради, деган умиддамиз.



Муаллифлар:
Шаҳноза Тўрахўжаева
Нурбек Тошканов

Дизайнер:
Жамшид Ғофуров

МЕДИАСАВОДХОНЛИК ВА FAKE NEWS:

ҳуқуқ ва масъулият чегараси

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент, 2019. – 56 б.

Босишга рухсат этилди __.06.2019 й.
Қоғоз бичими 70x100 ¹/₁₆, «Segoe UI» гарнитураси.

© Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, 2019 й.

 adliya.uz

 advice.uz
Huquqiy axborot portal

 [@huquqiyaxborot](https://t.me/huquqiyaxborot)

 fb.com/groups/adliya